

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-3.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ПЕДАГОГИКА
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
к.ўқ. Авалова Г.

Такризчилар: проф. Куронов М.,
доц. Бабашев Ф.

"Педагогика" фани бўйича ушбу намунавий дастурда педагогиканинг таълим-тарбиядаги, ҳаёт жараёнининг барча соҳаларидаги долзарб мавзулари камраб олинган, айниқса баркамол инсон тарбиясидаги катта имкониятларга асосий эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам янги таълим концепциясида ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналиши деб белгиланган.

Дастурда таълим-тарбия жараёни қонуниятлари, замонавий ўқитиш усуллари, ривожланган таълим тизимлари ва Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг хусусиятлари атрофлича ёритилган.

В этой программе по предмету "Педагогика" определено основное направление педагогики в воспитании, образовании, во всех сферах жизни, освещены актуальные вопросы формирования и воспитания совершенной личности.

Исходя из этого по новой концепции образования и национальной программе по подготовке кадров образование считается приоритетным направлением в социально-экономическом развитии.

В программе раскрыты принципы воспитания, современные усулы образования, особенности развития системы образования Республики Узбекистан.

In this programme of subject "Pedagogics" defined main direction of pedagogics in upbringing, education, in all sphere of the life, be lighted lifes problem of training and education of ripeness person.

According of this by the new conseption of education and national programme preraration of basic personnels. And their education consider main direction in developing social and economy.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодиёт соҳасидаги олий ўқув юртлири ва факультетларида иқтисодчи-бакалаврларни тайёрлаш учун зарур бўлган фанлардан бири педагогика фанидир. Чунки иқтисодиёт соҳасида хизмат қилувчи ҳар бир мутахассис юксак педагогик салоҳиятга, яъни таълим ва тарбия жараёни тўғрисида чуқур билимга эга бўлмоғи лозим.

"Педагогика" фанида таълим-тарбиянинг умумий қонуниятлари, қонунлари, тамойил ва услублари ҳамда баркамол авлодни шакллантириш билан боғлиқ бўлган барча назарий ва амалий омиллар ўрганилади.

Фанни ўрганишнинг асосий мақсади бакалаврларга педагогика назарияси ва амалиёти бўйича билимлар бериш, молия соҳасида банд бўлган кадрларда тарбия жараёнига доир таълим-тарбия кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларда педагогик маданиятни такомиллаштиришдан иборатдир.

"Педагогика" фани бўйича маъруза ва амалиёт машғулотларини ўтказишда қисқа ва узоқ муддатли мақсадга мувофиқ таълим ва тарбия услублари каталогларидан фойдаланиш, асосий категориялар, тушунчаларнинг қилиш, дифференциаллашган баҳо услубияти, кўп сонли ва кам сонли тест вариантларидан фойдаланиш ҳамда аудио, видео вазиятли ҳолатлар мажмуаларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

Иқтисодчи-бакалаврлар қуйидагилар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак:

- педагогиканинг хусусияти;
- педагогиканинг жаҳон тажрибаси;
- педагогика ривожланишининг асосий қонуниятлари, педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари;
- педагогик қарашлар, жаҳон ва Марказий Осиё алломаларининг таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари ҳақида;
- миллий педагогика тарихи;
- Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг асосий қонунлари.

Қуйидагиларни билиши ва улардан фойдаланиши лозим:

- таълим-тамойилларини ва уларнинг амалий кўрсатилиши;
- замонавий педагогик технологиялар воситасида иқтисодчи-талабаларни фаоллаштириш.

Куйидаги тажрибага эга бўлиши керак:

- машғулотларда ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва машғулотнинг режа конспектларини турли-хил шаклларда тузилиши;
- замонавий педагогик тамойиллар асосида таълимни, билим олишни ташкил қилиш ва қўллашни;
- талабалар мустақил ишини ва мустақил таълимини илмий-услубий ташкил қила олиш.

Семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдори

Иқтисодчи-бакалаврлар "Педагогика" фанини ўзлаштириш жараёнидаги амалий машғулот, семинар машғулотларни баҳс-мунозара шаклида олиб бориш, мавзулар бўйича тест вариантларини тузиш, берилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулот саволларига жавоблар, рефератлар ёзиш кўзда тутилади.

Лаборатория машғулотларида берилган мавзулар бўйича турли кўргазмали материаллар тайёрлаш, мавзуларни ёритишда янги педагогик усуллардан фойдаланиш йўллари, илмий-ижодий ёндошилган мустақил ишлар муҳокамасини бажариш кўзда тутилади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Намунавий ўқув режасида мазкур курсга 162 соат ажратилган. Уларнинг 54 соати маъруза, 36 соати семинар машғулотларидан, 18 соати лаборатория иши, 54 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида бакалаврлар педагогика соҳасига доир билим ва кўникмаларига эга бўладилар.

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Педагогика" фанидан бакалаврлар билимини назорат қилиш тўрт марта ЖБ, тўрт марта ОБ, икки марта ЯБ шаклида ўтказилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Педагогика" фанини ўқитишда альбомлар, компьютерлар, аудио ва видео ускуналар, проекторлар ва слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Касб таълими" йўналишларида "Педагогика" фани намунавий ўқув режаси бўйича 5-6-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Педагогика" фанининг предмети, мазмуни ва уни ўрганиш усуллари

"Педагогика" фанининг пайдо бўлиши. Педагогика-таълим-тарбия ҳақидаги фан. Жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида педагогиканинг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Ўзбекистонда эркин демократик, фуқаролик жамиятни шакллантириш жараёнида педагогика фанининг аҳамияти.

Педагогиканинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва уларга нисбатан бўлган муносабатининг ўзига хослиги. Педагогиканинг илмий, назарий, амалий ва келажакни белгилаш функциялари. Ёш авлод тарбияси ҳамда таълим муаммосини ишлаб чиқишда педагогиканинг аҳамияти.

Педагогиканинг асосий категориялари: тарбия, таълим, маълумот, ўқитиш, ўзини-ўзи тарбиялаш, мустақил ўқиш.

Таълим-билим, кўникма, малака, дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш эканлиги.

Инсон камолоти-тарбия маҳсулидир.

Маълумот-таълим-тарбия инъикосидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида педагогик илмий-тадқиқотларнинг аҳамияти, уларнинг вазифаси, йўналишлари, турлари: асосий, назарий, амалий.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари тавсифи ва турлари. Назарий тадқиқот услублари: қиёсий, тарихий таҳлил қилиш, ва лойиҳалаштириш, эмпирик усуллари, илмий педагогик кузатиш ва унинг турлари.

Миллий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида педагогика фани ривожланишининг асосий вазифалари ва тенденциялари.

"Миллий педагогика" тушунчасининг таърифи, моҳияти, асослари.

Педагогика фани тараққиётининг асосий босқичлари. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари.

Ислом маърифий цивилизациясининг таълим-тарбияга таъсири. Ҳадис илми ривожда Имом Исмоил-ал Бухорий ва Имом-ат-Термизийларнинг хизматлари. Сўфийлик таълимотида етук комил инсон муаммосининг талқин этилиши.

Шарқ Уйғониш даврида мактаб, тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти.
Буюк мутафаккирлар таълим-тарбия ҳақида.

Темур ва темурийлар даврида тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.

Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус-тузем мактаблари ва матбуот. Жадидчилик маърифати ва таълим-тарбия.

"Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида"ги таълим-тарбия йўналишлари ва ундаги камчиликлар.

Мустақил Ўзбекистонда миллий таълимни ташкил этиш муаммолари.

Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи

Жаҳон педагогика фанининг тараққиёт босқичлари. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия, педагогик қарашлар. Қадимги Хитойда таълим-тарбия. Конфуций.

Ғарбий Европада мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти.

Жаҳон педагогика фани ривожланишига ҳисса қўшган буюк педагогларнинг ижтимоий-педагогик фаолияти ва педагогик қарашлари.

Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим назарияси

Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва асосий вазифалари.

Дидактиканинг асосий категориялари.

Таълим мазмуни ҳақида тушунча. Таълим мазмунини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар. Таълимнинг икки томонлама жараён эканлиги, таълим жараёнининг асосий таркибий элементлари, мақсадлари, вазифалари, услублари.

Таълим-билиш фаолиятида воқеликни билишнинг махсус шакли эканлиги. Мустақилликни мустаҳкамлаш-таълимнинг моҳият-мазмуни эканлиги.

Таълим мазмунини бойитиш йўллари: янги ўқув-педагогик технологиялар, янги педагогик концепциялар, янги педагогик тестлар. Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларни мунтазам такомиллаштириш ва улардаги муқобиллик ҳолатини кўпайтириб бориш.

Таълим қонуниятлари ва қоидалари

Таълим қонуниятлари: таълимнинг жамият эҳтиёжларига боғлиқлиги, таълимда маълумот бериш.

Таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи омиллар. Таълим олиш ва таълимнинг мазмуни ўртасидаги диалектик боғлиқлик. Таълимнинг тарбияловчилик хусусиятлари.

Таълим қоидалари ҳақида тушунча. Таълимнинг илмийлиги. Таълимда узвийлик ва изчиллик. Таълимнинг тушунарлилиги, ҳаёт билан боғлиқлиги.

Таълимда онглилик ва фаоллик. Таълимнинг тарбияловчилик имкониятларидан фойдаланиш. Таълимнинг кўрсатмалилиги. *Таълимни ва таълим тизимини демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш.* Таълимда шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

Ўқитиш усуллари ва муаммоли таълим

Ўқитиш усуллари ва усуллари тўғрисида тушунча.

Ўқитиш усуллари амалга ошириш учун қўйиладиган муайян талаблар.

Усуллари таркибига Ўқитиш усуллари турлари.

Ўқитиш усуллари таснифи. Ўқитишнинг оғзаки усули. Ўрганилган материаллар устида ишлаш ва янги материалларни ўрганишга тайёрланиш. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари. *Ўқитишнинг амалий усуллари.*

Таълим-тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари

Ўқитишни ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча ва уларнинг қисқача тарихий шарҳи. Фронтал, гуруҳ ва якка тартибда ўқитиш. Ўқитиш тизимлари. Дарсни ташкил этишнинг мақсади, мазмуни, дарс самарадорлигини ошириш йўллари. Маъруза, суҳбат, практикум, семинар, факультатив, конференция, мустақил таълим, мустақил иш ва таълим жараёнида улардан фойдаланишнинг аҳамияти.

Олий ўқув юртларида ўқитишнинг ташкилий шакллари, ўқитишни таҳлил этиш, барча шаклларининг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги.

Ўқитиш усули, усуллари ва воситалари. Ўқитиш усуллари амалга ошириш шакллари хилма-хиллиги. Ўқитиш усуллари таснифи ва уларнинг таҳлили. Таълимни рағбатлантириш усули. Мустақил ишнинг ролини кучайтириш, мустақил ишлар турлари ва ўқитиш воситалари. Ўқитишнинг назарий ва ўз-ўзини назорат мезонлари. *Турли ўқув шаклларида ўқитиш мезонларини такомиллаштириш.* Ҳар хил типдаги ўқув юртларида ўқитиш усуллари таъминлаш хусусиятлари.

Таълим-тарбия сифатини интенсивлаш ва оптималлаштириш асосида ташкил этиш

Педагогик жараёни илмий ташкил қилишга қўйиладиган талаблар. Мутафаккирлар тарбия ишига ижодий ёндошув ҳақида. Таълим-тарбия жараёнини интенсивлашнинг моҳияти. Ёшларни ўқишга, мустақил билим олишга, ўзини ўзи тарбиялашга ўргатиш.

Оптималлаштириш тушунчаси. Оптималлаштиришнинг назарий, педагогик асослари. Педагогик жараёнларни оптималлаштириш.

Ўзбек халқ миллий мактаби муаммолари, истиқболлари.

Ўзбек халқ педагогикаси. Олий ўқув юртларининг педагогик вазифалари. *Олий ўқув юртларининг типлари ва структураси*. Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шартлари ва асосий шакллари. Талабалар билимини текшириш ва баҳолаш шакллари ҳамда усуллари: тест, рейтинг. Иқтисод ва молия факультетларининг ўзига хослиги. Амалиётлар.

Ғарб педагогикаси ва педагогик маҳорат

Ғарб педагогикасининг ўзига хос хусусиятлари. Ғарб педагогикасида индивидуализм, индивидуаллик ва бихевиоризм таълимоти. Педагогик маҳоратда шахс. Шахсий манфаат ва шахсий жавобгарлик муаммоси. Педагогик маҳорат ва педагогик технология тўғрисида *Ғарбий Европа ва Америка* педагоглари.

Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари

Тарбия. Тарбия жараёнининг таърифи. Тарбиянинг психологик асослари. Ўзини ўзи тарбиялаш, қайта тарбиялаш. Тарбия жараёни ва тарбиявий иш. Оила, мактаб ва турли муассасалардаги умумий ва махсус тарбия. Таълим билан тарбия жараёнининг бир бутунлиги. Тарбиянинг таълим жараёнида фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари. *Тарбия предмети сифатида муносабатларнинг моҳияти*. Муносабатларни шакллантириш шароитида тарбиянинг умумий қонуниятларига амал қилиш.

Тарбиянинг умумий усуллари ва қоидалари

Тарбия усули ҳақида тушунча. Тарбия воситалари. Тарбия воситалари ва усуллариининг ўзаро муносабатлари. Тарбия усуллариининг таснифига турлича ёндошиш. Ишонтириш тарбиянинг муҳим усули эканлиги. Ижобий намуна усули ва унинг турлари. Тарбияда машқ усули. Рағбатлантириш ва илҳомлантиш усуллари ҳақида. Тарбия усуллариини оптимал танлаш ва самарали қўллаш шартлари. *Тарбия усуллариини такомиллаштириш*.

Шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари

Шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари: ахлоқий, ақлий, эстетик, жисмоний, иқтисодий, меҳнат тарбиялари. Ақлий тарбия, ақлий ривожлантириш ва дунёқараш тушунчалари. Ахлоқий тарбия назарияси ва амалиётининг усулологик асослари. Онгли интизом, бурч, маъсулиятни тарбиялаш. Шахсни тарбиялашда меҳнат тарбиясининг роли. Меҳнат таълимининг вазифалари, меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурматни сингдириш. Меҳнат жараёнида меҳнат кўникмалари ва маданиятини шакллантириш, касб танлаш ва касбни онгли

танлашга ундаш. Иқтисодий тарбия ва унинг ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлашдаги роли. Иқтисодий тарбия шакллари ва усуллари.

Шахснинг ривожланиши ва унинг шаклланишида жамоанинг тарбиявий роли. Жамоа тарбияси ҳақида мутаффакирларнинг фикрлари. Жамоа тарбияси ҳақида тушунча. Жамоанинг белгилари ва функциялари. Ёшлар жамоасининг таркиби. Турли жамоалар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Жамоа шакллари, жамоани ташкил қилиш ва тарбия воситаларининг услубий асослари. Ёшлар фаолларини тарбиялаш жамоанинг ҳаракат қонуни. Жамоада соғлом жамоатчилик фикрини шакллантиш. Ёшлар жамоасини шакллантириш ва танлашда педагогик жамоанинг раҳбарлик роли.

Шахсни ривожлантириш. "Шахс", "Ривожланиш", "Шаклланиш" тушунчаларининг мазмуни. Тараққийпарвар мутаффакирлар шахснинг ривожланиши тўғрисида.

Шахсни ривожлантиришни ҳаракатлантирувчи кучлар. Қонуниятлар. *Шахс ривожланишида фаолият ва мулоқотнинг роли.* Шахсни таркиб топтириш тушунчаси. Шахснинг ривожланишида биорганик ижтимоий омилларнинг роли. Шахснинг шаклланишида тарбиянинг ҳал қилувчи роли. Шахснинг ривожланишида унинг ўз мустақил фаолиятининг роли. Шахснинг шаклланишида таълим-тарбиянинг устуворлиги.

Таълимда замонавий техникалардан фойдаланиш

Компьютерларнинг ўқув жараёнига кириб келиши. ЭҲМ асосида таълим беришнинг, техник воситаларини қўллашнинг назарий ва амалий асослари. Интеллектуал таълим бериш тизимлари. *Таълим бериш функцияларини компьютерга юклаган ҳолда амалга ошириш.*

Педагог шахси ва унинг ижтимоий табиати

Педагог-таълим жараёнининг субъекти эканлиги. Педагогнинг назарий илмий тайёрланганлиги-унинг фаолиятидаги муҳим замин эканлиги. Педагогнинг тарбиявий фаолиятига қадар тарбияланган шахс бўлишлиги омили. *Ижодкор педагог ўзига ўзи танқидий қаровчи ва танқидийликка кўра янгиликни қабул қилувчи ва оммалаштирувчи шахс сифатида.*

Ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари

Ўқитиш, таълим-тарбия ва ривожланиш жараёнларининг ўзаро алоқаси. Ўқитиш ва таълим бирлиги. Ўқитиш вазифаси, мазмуни, усул ва шакллариининг ўзаро боғлиқлиги.

Ўқитишда таълим-тарбия вазифаларининг алоқадорлиги.

Олий ўқув юртларидаги ўқитишнинг усул ва воситалари

Олий ўқув юртларидаги ўқитиш усуллари ҳақида. Ўқитиш усулларининг вазифалари. Олий мактабдаги ўқитиш усулларини такомиллаштириш. Олий ўқув юртидаги ўқитишнинг воситалари ҳақида. Ўқитишнинг воситалари, (дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқитишнинг техник воситалари компьютер, аудио, видео системалар) дан унумли фойдаланиш. *Муаммоли вазиятларни яратиш.*

Таълим-тарбияда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш

Илғор педагоглар тажрибасини стенограмма қилиш, шарҳлаш ва қиёслаш. Мамлакатда асосий илғор педагогик мактабларни ва йўналишларни аниқлаш. Илғор педагогик тажрибаларни моделлаштириш. Илғор педагогик академияни ташкил қилиш ва унинг материалларини тўплаш. *Педагогик жараёнга янги технологияларни олиб кириш.* Педагог маҳорат дастурларини замонавийлаштириш ва унда талабаларнинг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг асосий қонунлари

Таълим тизими. Ўзбекистонда таълим тизимининг ташкил топиши. Таълим тизимини ислоҳ қилиш. Таълим тизимининг босқичлари. Ўзбекистон таълим тизимига тасниф. Таълим тизимидаги таълим-тарбия муассасаларига тасниф. "Таълим тўғрисида"ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўналишлари. Дастур ва унинг тармоқлари. *Таълим тизими қурилишининг қоидалари.*

Ишлаб чиқаришдаги ижтимоий-руҳий ҳолатни соғломлаштиришнинг тарбиявий омили

Ишлаб чиқаришдаги ахлоқий-руҳий ҳолат тушунчаси. Ахлоқий-руҳий ҳолатда адаптация, коммуникация, идентификация, интеграция. Сабабият ва ахлоқий-руҳий ҳолат. *Турли ахлоқий-руҳий ҳолатларда мутахассис ўзини ўзи бошқарувининг йўл-йўриқлари.*

Мутахассис хулқида ахлоқийлик ва қонунийлик

Мутахассис ахлоқий ва ҳуқуқий онгининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда таъсири. Тадбиркорлик ва тижорат фаолияти қоидалари. Бозор муносабатларининг ҳуқуқий нормалари, жамият ахлоқий қадриятлари ва уларнинг нисбати. Ижтимоий ҳимояланганликнинг ахлоқий мезонлари. Мутахассис фаолиятида ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий моҳияти. *Ҳуқуқий муносабатларнинг демократлашиши ва мутахассиснинг ахлоқий жавобгарлиги.*

Ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш

Илмий дунёқарашни шакллантириш ҳақида. Ёшларда илмий дунёқарашга қўйиладиган талаблар. Илмий дунёқарашнинг моҳияти ва унинг энг муҳим таркибий қисмлари.

Қарашлар, эътиқод ва уларнинг моҳияти, таркиб топиши.

Билимларни чуқур эгаллаш ва мустаҳкам ўзлаштириш. Ёшларда илмий тарбиянинг дастлабки босқичи. Билимларни ёшларнинг эътиқоди ва идеалларига айлантиришнинг дидактик ва тарбиявий шарт-шароитлари. *Мутафаккирларнинг илмий дунёқараш ҳақидаги фикрлари.*

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

"Педагогика" фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

Ижтимоий ва оила тарбиясининг бирлиги.* Тарбиявий иш таъсирчанлигини оширишда муҳим омил.

Оила ва жамоатчиликнинг тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш. Тарбияда оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги.

Оила ва мактаб тарбиясининг мақсади ва мазмунининг бирлиги. Ота-оналарни педагогик билимлар билан қуроллантириш. Ота-оналарни ўқув масканларидаги тарбиявий ишларига жалб этиш.

Миллий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг асосий вазифалари

"Миллий педагогика" тушунчаси "Авесто", "Алпомиш", "Манас" дostonларида тарбия масалалари.* Ислomда таълим-тарбия. Ҳадис илмида таълим-тарбия. Суфийлик таълимоти. Марказий Осиёда XIV-XV асрларда мактаб, таълим-тарбия.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари. Бухоро, Хева ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб. Фан ва маданият. Рус-тузем мактаблари ва матбуот. Туркистонда жадиdчилик маърифати ва таълим-тарбия. Қарамлик ва мустамлакачилик йилларида таълим-тарбиядаги йўл қўйилган камчиликлар.

Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи

Қадимги Юнонистон ва Римда таълим-тарбия, мактаб.

Аристотель, Сократ, Платон, Квинтилианларнинг педагогик ғоялари.

Қадимги Хитойда таълим-тарбия. Конфуций таълим-тарбия ҳақида.

Европа мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида.* Я. А. Коменский, Жан Жак Руссо, К. Д. Ушинский, И. Г. Песталоццининг таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялари.

Дидактиканинг фан сифатидаги тараққиёти

Таълим мазмуни. Таълим мазмунини белгиловчи омиллар.* Ҳозирги даврда таълим мазмунига қўйиладиган талаблар.

Таълим қонуниятлари ва ўқитиш усуллари

Таълим қонуниятлари, тамойиллари. Ўқув мақсадларини назорат топшириқларига кўчириш.* Олий ўқув юртларидаги ўқитиш усуллари ҳақида.

Ўқитишнинг воситалари (дарслик ва ўқув қўлланмалари). Муаммоли вазиятларни яратиш.*

Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари

Турли типдаги мактабларда ўқитишни ташкил этишнинг мазмуни ва мақсади.

Олий мактабда ўқитишнинг ташкилий шакллари.* Олий ўқув юртларида ўқитишнинг самарадорлигини ошириш йўллари.

Таълим-тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари

Таълим ва тарбия усулларининг алоқаси. Таълим-тарбия усулларининг самарадорлигини ошириш йўллари. Таълим ва тарбия жараёнини жадаллаштириш моҳияти.*

Тарбия жараёнининг моҳияти ва тарбиянинг умумий шакллари, усуллари ва қоидалари

Тарбия жараёни ва тарбиявий иш.* Тарбия ва таълим жараёнининг бир бутунлиги. Тарбия шакллари.* Тарбия усулларининг хилма-хиллиги. Тарбия усулларини такомиллаштириш.

Шахсни шакллантириш омиллари

Шахсни ривожлантириш. Шахсни таркиб топтириш тушунчаси. Шахснинг ривожланишида биорганик, ижтимоий омилларнинг роли.*

Таълимда замонавий техникалардан фойдаланиш

Ўқув жараёнига компьютерларнинг кириб келиши. ЭҲМ нинг такомиллашув босқичлари. "Таълим бериш технологияси" тушунчасининг талқини. Замонавий ЭҲМ ва ўқитишнинг техникавий воситаларини марказлаштирилган йўналишларда самарали фойдаланиш.*

Педагог ва унинг жамиятда тутган ўрни

Педагог таълим жараённинг субъекти. Педагогга қўйиладиган талаблар. Педагог танқидийликка кўра янгиликни қабул қилувчи ва оммалаштирувчи шахс сифатида.*

Таълим-тарбияда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш

Илғор педагогик тажрибаларнинг зарурияти ва уларни шароитга кўра танлаш.* Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллашни ташкил этиш тамойиллари. Таълим-тарбияда жорий ва илғор педагогик тажрибаларни бир-бири билан мувофиқлашириш муаммолари.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг асосий қонунлари

Ўзбекистонда таълим тизимининг ташкил топиши. Таълим тизимини ислох қилиш. Таълим тизимининг босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўналишлари.* Дастур ва унинг тармоқлари. Дастурни амалга оширишдаги дастлабки қадамлар.

Ишлаб чиқаришдаги ижтимоий-руҳий ҳолатни соғломлаштиришнинг тарбиявий омили

Ишлаб чиқаришдаги ахлоқий-руҳий ҳолатнинг мазмуни ва турлари. Жамоаларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатларига қараб бўлинишлари. Ишлаб чиқаришдаги кайфият, жамоатчилик фикри, жамоа анъаналари.* Мутахассиснинг жамоадаги ахлоқий-руҳий ҳолатга таъсир этиш технологияси.

Мутахассис хулқида ахлоқийлик ва қонунийлик

Мутахассис фаолиятида ҳуқуқий нормаларнинг ахлоқий моҳияти. Ҳуқуқ-ахлоқий меъёр сифатида. Ишлаб чиқаришда, мулоқотда ахлоқий меъёр ҳисобланган нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари.* Ҳуқуқий меъёрлар, тамойиллар ва қонунларнинг инкор этиши шароитида ахлоқий ва касбий йўқотишлар. Ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги номутаносиблик ва уни бартарф қилиш йўллари.

Тарбияда мактаб, оила, жамоатчилик ва маҳалла ҳамкорлиги

Маҳалла омилининг ёшлар тарбиясидаги ролининг ортиб бориши. Мактаб, маҳалла ва оила бирлиги ифодаланган тарбиявий тадбирлар комплексини ишлаш усулига.* Шарқона тарбия ва унинг умумжаҳон тарбия тамойилларига уйғунлашиб бориши.

Лаборатория ишлари

Педагогика фанининг жамиятдаги ўрни, унинг назарий-амалий ва прогностик вазифалари.

Педагогика фани ютуқларини тадбиқ этиш. Педагогика фанлари тизими.

Ўрта асрларда Шарқ маърифатпарварлари ижодида педагогик тафаккурнинг ривожланиши.

Раҳбарнинг педагогик салоҳияти.

Ижрочи ахлоқи.

Халқ педагогикаси.

Педагогик қобилиятлар ва фаолият.

Баркамол авлод тарбиясига комплекс ёндошиш.

Талабаларнинг индивидуал ривожланиши ва уни таълим-тарбияда ҳисобга олиш.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- Педагогиканинг илм-фан, амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи схематик плакат;
- Педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари акс эттирилган плакат;
- Таълим мазмунини ташкил қилувчи тамойиллар кўрсатилган кўргазмали плакат.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади):

1. e-mail: sales@piter-press.ru
2. e-mail: piter-t@lincom.kharko.ua
3. e-mail: root@top-book.nsk.su
4. e-mail: postbook@piter-press.ru

Дидактик материаллар рўйхати; мультмедик иловалар.

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат турлари:

жорий баҳолаш учун:

- семинар машғулотлари саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;

- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида савол-жавоблар билан фаол қатнашиш.

якуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига 1200 сўз миқдоридаги "ёзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Ҳаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002 йил 6 декабр.
13. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
14. Мавлонова Р., Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.

15. Педагогика (А.Мунавваровнинг умумий таҳрири) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
16. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. -М.: 1999.
17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Ахлидинов Р. Ш. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиски, решения.-Т.: 1999.
2. Беспалько Б. Слагаемые педагогической технологии. -М.: Педагогика, 1999.
3. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
4. Йўлдошев Ж. Ғ. Педагогика фани ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш муаммолари. – Халқ таълими, 1995. № 3-4, 1-12 б.
5. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы. -М.: 1999.
6. Профессиональная педагогика: Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.: Профессиональное образование, 1997.
7. Психология и педагогика / Под ред. А.А. Радугина. -М.: Центр, 1999.
8. Психология и педагогика: учебное пособие. / Под ред. В.М.Николаенко-МИФРА/-М.: Новосибирск, 1999.
9. Равен Джон-младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.
10. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
11. Слостенин В.А., Л.С.Подмова, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
12. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумабаева. Олий ўқув юртлирида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т.: 2002.
13. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.
14. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумабаева. Современные усулы преподавания в вузах. -Т.: 2001.
15. Қурбонов Ш, Сейтхалилов. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. -Т.: Шарқ, 2000.